

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ТУРСУНОВА ОДИНАХОН АЗИМЖАНОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНЕТИК БИРЛИКЛАРИНИНГ ПОЭТИК  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation  
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

**Турсунова Одинахон Азимжановна**

Ўзбек тили фонетик бирликларининг поэтик имкониятлари ..... 3

**Турсунова Одинахон Азимжановна**

Поэтические возможности фонетических средств узбекского  
языка..... 25

**Tursunova Odinakhon Azimjanovna**

Poetic possibilities of the phonetic units in the uzbek language..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

**ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ТУРСУНОВА ОДИНАХОН АЗИМЖАНОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНЕТИК БИРЛИКЛАРИНИНГ ПОЭТИК  
ИМКОНИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Fil297 рақам билан  
рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шахобиддинова Шоҳида Ҳошимовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Одилов Ёрқинжон Рахмоналиевич**  
филология фанлари доктори

**Муҳаммаджонова Гўзалхон**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг “\_\_\_” 2019 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-йи. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: [info@fdm.uz](mailto:info@fdm.uz))

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-йи. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Х.Ҳакимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**М.Т.Зокиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

**А.Мамажонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигига нутқнинг фонопоэтик хусусиятларини ўрганиш тилшуносларнинг диққат марказидадир. Тил кишилик жамиятида нафақат алоқа, балки тингловчида эмоционал-эстетик ҳис уйғотиш воситаси ҳам бўлиб, нутқ жараёнида кишиларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Нутқнинг намоён бўлишида фонетик бирликлар муҳим вазифаларни бажаради. Матннинг фонопоэтик хусусиятларини, фонетик воситаларини монографик ўрганиш, лексик-семантиқ, грамматик воситалар каторида, товушларнинг жилоланиши, урғу, оҳанг, тўхтам каби фонетик бирликларнинг тахлили ва тадқиқи бугунги ўзбек тилшунослиги олдидаги муҳим масаладир.

Дунё тилшунослари томонидан лингвопоэтиканинг умумий масалалари кўп ўрганилган. Лексик поэтика, матн поэтикаси ҳамда фонетик стилистика, фоносемантикамага бағишлиланган қатор асарларда тилшуносларнинг товушлар символизми, аллитерация, геминация, қофия илмига бағишлиланган қарашлари ифодаланган. Лингвопоэтика соҳасида, хусусан, фонопоэтиканда ҳар бир тилнинг ментал ва акустик-артикуляцион томонлари бир-биридан тубдан фарқ қилиши таъкидланади. Бунга араб, хитой, немис, инглиз ва бошқа тиллардаги фонетик структура, урғу, нутқ темпи, овоз тони, тембр кабиларнинг ўзига хос дифференциал белгилари мавжудлиги асос бўлади.

Сўнгги йилларда ўзбек тилининг ички структур бирликларини коммуникатив нуқтаи назардан ўрганиш билан бирга, уларнинг эмоционал-экспрессив функцияларини, коннотатив, прагматик маъноларини англаш ҳам тилнинг серқирра томонини ёритишида катта аҳамият касб этди. Лисоний бирликларнинг эмоционал-экспрессив вазифалари турли услубларда воқеланиши мумкин, лекин бадиий асарларда яққол намоён бўлади ва бу лингвопоэтика таҳлилни ҳам талаб этади. Унинг бир тармоғи ҳисобланган фонопоэтика, фонетик бирликларнинг поэтик имкониятлари етарлича тадқиқ этилгани йўқ. Миллий маданиятимиз, маънавиятимизнинг бир қисми бўлган бадиий матнларнинг фонопоэтик таҳлили ўрганилаётганлиги мавзунинг бугунги ўзбек тилшунослиги учун муҳимлигини кўрсатади. Зоро, тил ва адабиётга эътибор давлат ва жамиятнинг асосий таянчларидандир “...илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа”<sup>1</sup> эканлиги ҳар бир фан соҳасида, жумладан тилшунослиқда ҳам чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан фонетик бирликларнинг поэтик имкониятларини ёритиш муҳим масалалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутки. – Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ, 2016. – Б.56.

ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий ўқув тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослик фанида лингвистик поэтика масалаларига анчагина эътибор қаратилган. Бадиий нутқ масаласи турли даврларда олимлардан В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, А.М.Щербак, В.М.Жирмунский, Д.Н.Шмелев, И.Р.Гальперин, Б.А.Ларин, Г.В.Степанов, Ю.М.Лотман, Н.М.Шанский, В.П.Григорьев, С.В.Воронин, Б.Н.Головин, Л.А.Кантер каби тилшунос ва адабиётшуносларнинг дикқатини тортган.<sup>2</sup>

Тилшуносликда юзага келган фоностилистика, фоносемантика каби атамалар бадиий нутққа оид ишларда<sup>3</sup> фаол қўлланади. Фонопоэтика атамаси бадиий матннинг фонетик хусусиятлари, фонетик услубий фигуralар сифатида қўлланилган.<sup>4</sup> Фонографик услубий воситалар тадқиқига

<sup>2</sup> Виноградов В.В. Язык и стиль русских писателей. – Москва: Наука, 1990. – С.386; Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – Москва: Высшая школа, 1991. – С.447; Щербак А.М. Соотношение аллитерации рифмы в тюркской стихосложении. “Народы Азии и Африки”. 1962. №2; Жирмунский В.М. Рифма, ее история и теория. // Теория стиха. – Ленинград: Наука, 1975. – С.316; Шмелев Д.Н. Слово и образ. – Москва: Наука, 1964. – С.119; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: Наука, 1981. – С.138; Ларин Б.А. Эстетика слова и язык писателя. – Ленинград: Художественная литература, 1973. – С.288; Степанов Г.В. Язык. Литература. Поэтика. – Москва: Наука, 1988. – С.382; Лотман Ю.М. Структура художественного текста. – Москва: Искусство, 1970 (1998. – С.14-288. Оглавление.Введение 14 с.); Шанский Н.М. Лингвистический анализ стихотворного текста. – Москва: Просвещение, 2002. – С.224; Григорьев В.П. Поэтика слова. – Москва: Наука, 1979. – С. 343. Воронин С.В. Фоносемантические идеи в зарубежном языкоznании. – Ленинград: ЛГУ, 1990. – С. 199; Головин Б.Н. Основы культуры речи. – Москва: Высшая школа, 1980. – С. 335. Кантер Л.А. Системный анализ речевой интонации. – Москва: Высшая школа, 1988. – С.128.

<sup>3</sup> Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Москва: Наука, 1977. – С. 407; Воронин С.В. Фоносемантические идеи в зарубежном языкоznании. – Ленинград: ЛГУ, 1990. – С.199. Григорьев В.П. Поэтика слова. – Москва: Наука, 1979. – С. 343.

<sup>4</sup> Шодиева Д. Мухаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 144.

Хайдаров А.А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 158.

бағишиланған диссертацияда,<sup>5</sup> асосан, ёзма шакл билан боғлиқ хусусиятлар кенг ёритилған бўлиб, талафуз томонлари анча қисқа берилған. Фоносемантикамага бағишиланған ишда<sup>6</sup> эса, товуш билан боғлиқ маъно-муносабатнинг ёритилишига эътибор қаратилған. Фонопоэтика маълум поэтик асарнинг фонетик бирликлар воситасида шаклланған бадиий-тасвирий санъатларни, мусиқийлик, жарангдорлик, экспрессив вазифа бажариш хусусиятларини, товуш, ургу ва бўғиннинг шеърий санъатларни юзага келтиришдаги ролини, қофияни юзага келтиришда товушларнинг аҳамиятини тадқиқ этади. Фонетик воситаларнинг поэтик имкониятлари алоҳида мустақил объект сифатида тадқиқ этилмаган бўлса ҳам, бир қатор тилшунос олимлар ўз асарларида у ҳақда айрим қимматли маълумотларни келтирганлар. А.Абдуллаев тадқиқотида экспрессивликни ифодалашнинг геминация, аллитерация каби фонетик усулларини белгилайди.<sup>7</sup>

Лингвопоэтика йўналиш сифатида ривожланмоқда ва мазкур йўналишда салмоқли ишлар юзага келмоқда. Жумладан, И.Мирзаев, З.Хамидов, М.Ёқуббекова, С.Каримов, М.Йўлдошев, Г.Яхшиева, А.Абдуллаев, И.Хожалиев, Д.Шодиева, О.Мамазияев, М.Абдулпаттаев, Г.Муҳаммаджонова, М.Акбарова, А.М.Шофкоровларнинг диссертация ва монографиялари яратилди.<sup>8</sup> Шунга қарамай, ўзбек бадиий нутқининг фонопоэтик хусусиятлари бўйича алоҳида тадқиқот ишлари яратилмаган.

<sup>5</sup> Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.132.

<sup>6</sup> Қабилова З.М. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2008. – Б.125.

<sup>7</sup> Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.3.

<sup>8</sup> Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс... д-ра филол. наук. – Тошкент, 1992. – С.52; Нурмонов А. Тилшуносликнинг адабиёт билан муносабати // Танланган асарлар. З жилдли. – Тошкент: Akademnashr, 2012. З-жилд. – Б.163; Махмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. № 6. – Б.48-51; Махмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасида доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1987. № 4. – Б. 34-36; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кечава кундуз” роман мисолида): Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2000. – Б.145; Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари д-ри дисс. – Тошкент, 2009. – Б.314; Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008; Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Ҳамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисан ат-тайр” Алишера Наваи: Автореф. дис. канд.. филол. наук., – Тошкент, 1982. – С.24; Ёқуббекова М. Ўзбек ҳалқ қўшиклирида ўхшатиш.– Тошкент: Фан, 2003. – Б. 93; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фанлари. д-ри дис. – Тошкент, 1993. – Б.293; Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста: Дис. д-ра филол. наук. – Тошкент, 1993. – Б.388; Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 1996. – Б.132; Хайдаров А.А. Бадиий тасвирий фоностилистик воситалари. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2008. – Б.158; Қабилова З. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари. Филол. фанлари номз... дисс.– Тошкент, 2008. – Б.125; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 86; Хожалиев И. Тасвир нутқ тибининг лингвистик хусусиятлари. Филол. фанлари номз... дисс. – Фарғона, 1998. – Б.145; Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг лугавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фанлар. номз... дис. – Тошкент, 2006. – Б.175; Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.144; Мамазияев О. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2005. – Б.132; Абдулпаттаев М. Ўзбек тилида суперсинтактик бутунликлар. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 1998. – Б.130; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқики: Филол. фанлари номз... дис. – Фарғона, 2003. – Б.136; Акбарова М. Алишер Навоий асарларида қофия. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 1998. – Б.166; Шофкоров А.М. Миртемир шеъриятида такрорнинг маъновий-услубий хусусиятлари. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 2012. – Б.144;

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “ОТ-Ф1-18. Оммавий лисоний маданиятни шакллантиришнинг метод ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилидаги фонетик воситаларнинг поэтик имкониятларини ёритиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

поэтик нутқни ўрганишнинг методологик асосларини белгилаш;

фонетик воситаларнинг экспрессивликни юзага келтиришдаги ролини аниқлаш;

бадиий матнларда товушларнинг поэтик жиҳатларини ёритиш;

фонетик воситаларнинг ҳижо, бўғин, руқн, туроқ, ритм ва қофиядаги поэтик жиҳатларини очиб бериш;

фонетик воситаларнинг насрый матнлари поэтик имкониятларини таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида бадиий нутқдаги эмоционал-экспрессив, эвфоник вазифа бажариш хусусиятига эга бўлган, поэтик имкониятларни очиб берувчи фонетик бирликлар танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** фонетик воситаларнинг поэтик вазифалари ва мана шу вазифаларни бажариш учун асос бўлган жиҳатлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Фонопоэтик бирликларнинг умумназарий муаммоларини, ўзига хос хусусиятларини аниқлашда, поэтик матнда фонетик бирликларнинг прагматик хусусиятларини очиб беришда узвий-компонент таҳлил, оппозитив, герменевтический тавсифий усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

герменевтиканинг поэтик нутқни тушуниш ва тушунтиришда методологик асос сифатидаги роли ҳамда матннинг поэтик қурилишида унли ва ундош товушларнинг эмоционал-экспрессив вазифалари асосланган;

нутқнинг фонопоэтик шаклланишида геминация, ономатопея, анаграмма, фонетик такрор каби воситаларининг аҳамияти очиб берилган;

поэтик нутқда товушларнинг коннотативликни оширишдаги роли, уларнинг поэтик, прагматик, семантические функции аниқланган;

фонетик воситаларнинг бадиий матнлар мазмунини ёрқин ифодалашда поэтик ифодани юзага чиқаришдаги роли далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:**

товушларнинг поэтик маъно ҳамда уларнинг рамзий ифода хусусиятлари очиб берилган;

ҳижо, руқн, ритм ва қофиялар фонетика қонун-коидалари асосида майдонга келиши ва уларнинг фонопоэтик воситалар сифатидаги вазифаси далилланган;

шөйрий ва насрий матнлар фонопоэтик тадқиқот обьекти эканлиги асосланган;

бадий ифода воситаси бўлган қофияда фонетик бирликларнинг ўрни кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илгари сурилган масаланинг аниқлиги, тадқиқ усулларининг илмий мақсадни юзага чиқаришда тўғри қўлланганлиги, муаммони тадқиқ этишда илмий-назарий манбаларга таянилганлиги, тадқиқот жараёнида олиб борилган таҳлилларнинг назарий асосга эга эканлиги билан аниқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, у ўзбек лингвопоэтикасини янги назарий материаллар билан тўлдиради. Бадий нутқнинг фонопоэтик хусусиятлари атрофлича ёритилади. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан олий ўқув юртлари филология факультетида 5А120102-лингвистика магистратура йўналишида талабалар танлови фанларини ўтишда ҳамда 5120100-ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат йўналиши бўйича таълим олувчиларга “Бадий матннинг лисоний таҳлили”, “Хозирги ўзбек адабий тили”, “Тилшунослик назарияси” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацион ишдан ўзбек тили фонетикаси, стилистикаси, бадий асар тили, матннинг лисоний таҳлили, амалий тилшунослик бўйича олий ўқув юртларида маъруза ўқишида, маҳсус курс ва семинар машғулотлари олиб боришида, тилшуносликнинг юқоридаги соҳалари бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тили фонетик бирликларининг поэтик имкониятлари мавзусида олиб борилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар қўйидаги ишларда жорийланган:

бадий нутқни шакллантирувчи фонетик бирликлар тадқиқида “Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари” мавзусидаги А-1-126 рақамли амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 89-03-821-сон маълумотномаси). Натижада грант доирасида яратилган услубий қўлланмаларнинг илмийлиги ортди;

масалларда товушларнинг поэтик маъно ҳамда уларнинг рамзий ифода хусусиятларини очиб беришда ЁФ 8-08 рақамли “Масал ва масал типидаги асарларнинг қиёсий-типологик тадқиқи” мавзусидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техник дастури грантида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 89-03-821-сон маълумотномаси). Натижада масалларнинг фонетик хусусиятлари бўйича қарашларнинг илмийлиги оширилди;

фонопоэтик воситаларнинг аҳамияти хусусидаги хулосалардан Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг эфирга узатилган “Ижод

гулшани” кўрсатуви ҳамда “Андижон–ФМ” радиосининг “Кўнгил бекати” радиоэшиттириш сценарийсида фойдаланилган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 29 январдаги 20-24/30-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маъruzаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмida тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Поэтик матнда фонетик воситаларнинг ўрни**” деб номланган биринчи бобида, дастлаб “**Поэтик матнни ўрганишда герменевтиканинг роли**” масаласи ёритилган. Сўзнинг аташ, эмоционал-экспрессив, аксиологик, когофеник сингари функциялари нутқда воқеланади. Сўзнинг ана шундай функциялари воқелangan матн бадий матн саналади. Поэтик матннинг тил хусусиятларини, тил бирликларининг нутқий вазиятдаги турли эстетик вазифаларини ўрганиш мukammal filologik таҳлил учун фавқулодда муҳим вазифадир. Бадий матннинг тил хусусиятлари ҳақида гапирганда шуни айтиб ўтиш керак, уни бир вақтнинг ўзида учта турли даражада: семантик, метасемиотик ва лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиш лозим.<sup>9</sup>

В.Я.Задорнованинг қарашларида лингвостилистик таҳлил умумийлик касб этиб, нутқнинг ҳар қандай услубида эркин ифодаланади, яъни стилистик таҳлил учун матннинг чегараси йўқ, бадий матн таҳлил обьектларидан бири

---

<sup>9</sup> Задорнова В.Я. Слово в художественном тексте. Язык, сознание, коммуникация: Сб.статей / Отв.ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. – Москва, МАКС Пресс, 2005. – Вып. 29. – С. 115.

холос. Сўз санъати – поэтик нутқнинг моҳиятини эса лингвопоэтик таҳлил очиб беради.<sup>10</sup>

Ижтимоий тадқиқот соҳасида матн билан ишлаш асосий ўрин тутади. Герменевтика – (юн.hermeneutike, hermenio “тушунтираман”) матнларни тушуниш, талқин қилиш санъати, уни талқин қилиш тамойиллари ҳақидаги таълимот саналади. Унинг текшириш методи герменевтик методдир. Герменевтика илдизлари антик даврларга бориб тақалса ҳам, мустақил илмий йўналиш сифатида XIX асрда немис мутафаккирлари Ф.Шлейермахер ва В.Дильтейлар асарлари орқали шаклланди. Бу йўналиш XX асрда немис олими Г.Г.Гадамер ва француз олими П.Рикёрлар томонидан ривожлантирилди. Г.Г.Шпет бу таълимотнинг кўп асрлик тарихини тадқиқ этган бўлса,<sup>11</sup> М.М.Бахтин ўзининг “Гуманитар фанларнинг фалсафий асосларига доир”, “Адабиётшунослик методологиясига доир”, “Гуманитар фанлар методологиясига доир” китоблари орқали уни оммалаштириди.<sup>12</sup>

Матннинг герменевтик концепцияси, асосан, XX асрда шаклланган «матн» тушунчасини филологик фалсафий жиҳатдан англаш билан боғлиқ. Тушунишни амалга ошираётган ҳар қандай онг ўзининг тарихига эга. Ўқувчининг шахсий борлиги ҳеч нарсага бўйсунмайди. Герменевтиканинг биринчи шарти – нарсани тушуниш (предметное понимание),<sup>13</sup> бу мен ва бошқа киши битта нарсани назарда тутган вазият. Поэтик матннинг мазмунини идрок этишда ўқувчида аввалдан шаклланган билим захираси бўлмоғи лозим. Бадиий асарни тушуниш учун ундаги образлар, тасвиirlар моҳияти, ёзувчи услуби ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш керак. Акс ҳолда ўқувчи учун бундай асарнинг талқини мураккаб туюлади ва моҳиятан мавҳум бўлиб қолади. Бу эса бевосита герменевтикага боғлиқдир.

Иккинчи фаслда эса **“Фонопоэтика лингвопоэтиканинг таркибий қисми сифатида”** деб номланиб, бунда тилшунослик билан адабиётшуносликнинг алоқадорлиги ҳақидаги қарашлар таҳлил этилади. Бадиий матн лингвистикаси масаласи анча қадимда, Арасту, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий<sup>14</sup> ва бошқа етук қомусий олимларнинг асарларида ёритилган. Бироқ, лингвопоэтиканинг илмий-назарий тадқиқ этиш ва ривожланиш даври яқин йиллар ичida тараққиёт босқичига кўтарилиди, дейиш мумкин.

Лингвопоэтик таҳлил тамойиллари ҳақида фикр билдирганда, албатта, В.П.Григорьев, А.А.Липгарт, И.К.Мирзаевларнинг ишларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

А.А.Липгарт лингвопоэтиканинг моҳияти, бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлили, лингвопоэтика ва лингвостилистика, лингвопоэтика

<sup>10</sup> Задорнова В.Я. Слово в художественном тексте. Язык, сознание, коммуникация: Сб.статьй / Отв.ред. В.В.Красных, А.И.Изотов. – Москва, МАКС Пресс, 2005. – Вып. 29. – С. 115.

<sup>11</sup> Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы//Контекст. – Москва, 1990. <http://avorhist.narod.ru>.

<sup>12</sup> Nurmonov A. Ilmiy tадqiqot metodlari va metodologiyasi. – Toshkent: Akademnashr, 2010. – В. 27.

<sup>13</sup> Гадамер Г.Г. О круге понимания. //Актуальность прекрасного. – Москва, Искусство, 1991. – С.367.

<sup>14</sup> Арасту. Поэтика.Ахлоқи қабир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004; Абу Наср Фаробий.Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993; Абу Али ибн Сино. Фонетика ҳақида рисола. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979.

ва адабиётшунослик каби масалаларни ёритар экан, лингвопоэтика юзасидан келтирилган бир неча фикрлар, таҳлилларга ҳам муносабат билдиради. А.А.Липгарт лингвопоэтиканинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб, умумфилологик йўналиш сифатида баҳолайди. Лингвостилистика эса тиљшунослик соҳаси сифатида эътироф этилади.<sup>15</sup>

Лингвопоэтика – филологиянинг поэтик тилни тадқиқ этадиган соҳасидир.<sup>16</sup> Шу фикрга асослансан, фонопоэтикани фақат поэтик матннинг фонетик хусусиятларини тадқиқ этувчи соҳа сифатида баҳолашимиз мумкин. Унинг шу жиҳати фоностилистика билан чегарасини кўрсатади. Зеро стилистика – тиљшуносликнинг турли услубларини ўрганувчи соҳаси. Услубият – тил бирликларининг услубий имконият ва хусусиятлари, функционал-услубий, эмоционал-экспрессив бўёғи, шунингдек, нутқда тил воситаларининг мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ва қўллаш ҳақидаги таълимот.<sup>17</sup>

Бундай масала А.Хайдаровнинг ишида ҳам маълум маънода ёритилган. У бадиий матндаги фоностилистик бирликларни тадқиқ этар экан, аллитерация, геминация, такрорлар орқали услубийликка, шакл ва мазмун муносабатига ҳам эътибор қилган. А.А.Хайдаров,<sup>18</sup> асосан, коннотативликни ифодаловчи фоностилистик воситаларга тўхталган, бироқ фоностилистикада, умуман, лингвостилистикада нафақат бадиий матн, балки барча нутқ услублари таҳлил обьекти бўлиши мумкин. Стилистика, умуман, инсон нутқини ўрганади.<sup>19</sup>

Бизнинг ишимиизда бадиий юқ ташишга хизмат қиладиган турли фонетик бирликлар ҳамда аruz, бармоқ тизими ва насрий асарларнинг фонопоэтик таҳлили, қиёсий тадқиқи асосий масала сифатида қаралади.

Учинчи фаслда “**Фонопоэтик воситалар таҳлили**” масаласига эътибор қаратамиз. Фонопоэтиканда эвфония ҳамда интонацион-синтактик тузилиш муҳим роль ўйнайди. Эвфония, асосан, фонетик воситалар ёрдамида юзага келади, нутқнинг хушоҳанглиги кўп жиҳатдан унинг фонетик шаклланишига боғлиқдир. Эвфония шеърий нутқда, айниқса, катта аҳамият касб этадики, шунинг учун шеърнинг фонетик ташкилланишига алоҳида эътибор берилади.<sup>20</sup> Шеърий нутқнинг ритмлар тартиби, синтактик тузилиши ва у билан боғлиқ интонация элементларига кўра тартибга солиниши шеърнинг интонацион-синтактик тузилишини ташкил этади. Шеърнинг бундай тузилиши бадиий нутқнинг эмоционал таъсирчанлигини янада оширади, хитоб, ундов ва сўроқ мазмунини ифодаловчи интонацион-синтактик гап қурилишларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга имкон беради.

<sup>15</sup> Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – Москва: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2010. – С.168.

<sup>16</sup> Григорьев В.П. Поэтика слова. – Москва: Наука, 1979. – С. 58

<sup>17</sup> Ҳожиев А. Тиљшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўзбекистон миллый энциклопедияси, 2002. – Б. 118.

<sup>18</sup> Хайдаров А.А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол. фанлари номз...дисс. – Тошкент, 2008. – Б.158;

<sup>19</sup> Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 296.

<sup>20</sup> Куронов Д, Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 355.

Унли ёки ундош товушларни чўзиш, алмаштириш, орттириш, тушириб қўллаш воситаларида ҳам маънони кучайтиришга эришиш мумкин:

*Совуқ қоронгунинг оппоқ садоси,  
Бўғзимда бўғилар мусиқам, уним,  
Ажер саҳаридир, ҳажер саҳроси.  
Ал-видо кунимдир, туғилган куним.*

(Рауф Парфи. Сўнгги видо. 107-б.)

Шеърда “а” товушининг 11 марта, “о” ва “и”нинг 9 ўринда келиши, “у”нинг 7 ва “ў”нинг эса 2 ўринда келиши эвфонияни юзага келтиради, шунингдек, фонопоэтик мукаммалликни, бадий изчилликни кўрсатади.

Оҳанг – мусиқийлик, овоз тони, нутқ темпи, ритм, эмоционал ургу, тезлик, шиддат, тембр ва шу каби элементлар мажмуидир. Оҳанг нутқни фонетик жиҳатдан уюштиради, турли синтактик маъно ва категорияларни ифодалаш, шунингдек, ифоданинг экспрессив-эмоционал бўёғини ошириш воситаси ҳисобланади.<sup>21</sup>

Фонопоэтик воситалардан бири **геминациядир**. Тилшуносликка оид адабиётларда геминация кетма-кет келган айнан бир типдаги ундошлар<sup>22</sup> сифатида таърифланади. Геминация поэтик нутқда маълум поэтик вазифани бажариш, маънони кучайтириш, тингловчига таъсир ўтказиш учун муайян мақсадда ифодаланади.

Туркий тиллардаги геминация ҳодисаси ҳақида дастлаб Н.К.Дмитриев, сўнгроқ В.В.Решетов, А.Н.Кононов, И.А.Киссен ишларида қайд этилади.<sup>23</sup> Геминация ҳақида А.Ғуломов,<sup>24</sup> А.Хайдаров,<sup>25</sup> А.Абдуллаев,<sup>26</sup> М.Йўлдошев,<sup>27</sup> Т.Хазагеров, Л.Ширина<sup>28</sup> ва бошқа тилшуносларнинг асарларида маълумотлар келтирилади. Бу асарларда геминация ҳар қандай қўшундошлилик эмас, балки, этимологик жиҳатдан бир ундошни, маълум мақсадда иккилантириш усули сифатида баҳоланади.

*Тижорат мулкида шеъру  
газал айтишига ҳолинг йўқ,  
Зумуррад соҳилинг, нозик  
ниҳолинг, хуш хаёлинг йўқ.*

(Сирожиддин Сайид. Ватан абадий. 183-б.)

Мазкур мисолдаги *зумуррад* сўзида у товушининг орттирилиши ҳам вазн талаби билан, ҳам сўзловчининг индивидуал услугига, шунингдек,

<sup>21</sup> Панов М.В. Современной русский язык. Фонетика. – Москва. Высшая школа. 1979. – С. 438

<sup>22</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 30.

<sup>23</sup> Дмитриев Н.К. Двойные согласные в тюркских языках // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. – Москва, 1955. – С.261-264; Решетов В.В. Фонетическая структура слова // Учёные записки. Вып.ХII. – Тошкент, Фан, 1959. – С. 23; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского узбекского литературного языка. – С. 34; Киссен И.А. Краткий очерк фонетики русского языка в сопоставлении с фонетической узбекского языка. – Тошкент, 1952. – С. 35.

<sup>24</sup> Ғуломов А. ва бошқ. Ўзбек тили морфем лугати. – Тошкент, 1977. – Б. 366.

<sup>25</sup> Хайдаров А.А. Бадий тасвирнинг фоностилистик воситалари: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б.10.

<sup>26</sup> Абдуллаев А Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 3-5.

<sup>27</sup> Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.7.

<sup>28</sup> Хазагеров Т., Ширина Л. Беседы о риторике //http://www.relga.ru. n 76/ rus 76.htm

этимологик жиҳатга ҳам боғлиқ. Тарихий вариантига эътибор қаратилса айнан юқоридаги шаклни ҳам кўриш мукин. Синхрон жиҳатдан эса бир ундош ифодаланган ўринда иккилантириш айнан геминация ҳисобланиб, сўзловчининг руҳияти, кайфияти ва муносабатини ифодалашга хизмат қиласи. Мисолда геминация: *зумуррад* сўзида бир **р** товушининг ортирилиши каби фонопоэтик воситалар сўзловчи ва тингловчи орасидаги руҳий, ҳиссий таъсиранликни юзага келтиради.

Фонетик усул билан маъно кучайтириш ўзбек тилида бошқа усулларга нисбатан энг фаол ва универсалдир: оҳанг, товушлар оҳангдошлиги, фонетик такрор, товушлар мослиги, уйғунлиги, ургу ва унинг тушиш ўрни, маънога таъсири, бўғинлар ва уларнинг қофиядошликини юзага келтирувчи хусусиятлари, қофия, ритм, унлининг кучли талаффузи (зарб ургу), унлини чўзиш (квантитатив ургу), геминация кабилар. Товуш билан боғлиқ бадиий санъатларнинг, шеър унсурларининг тури қўп ва буларнинг барчаси поэтик нутқнинг жозибадорлигини таъминлайди. Фонопоэтик таҳлил эса буларнинг ҳар бирини чуқур тадқиқ этиб, илмий асосслайди.

Ана шундай воситалардан бири **фонетик такрор** ҳисобланади. Муайян товушларнинг такрори барча нутқ турларида рўй беради. Поэтик нутқ бу такрорларни тартибга солади ва эстетик таъсирини оширади. Мазкур тартибланиш, яъни шеърият, шаклан қатъийлашади, маълум бир меъёрга солинади, турли услубий воситалар билан шакллантирилади.

Эвфониянинг асосий элементи бўлган товуш такрори умумий белгисига кўра бир парадигмага бирлашса, айрим хусусиятларига кўра фарқланади. Шунга кўра у бир неча турларга бўлинади:

а) аллитерация (ундош товушлар такрори):

*Тентаккинам, тўрт томонга тузоқ тузиб,  
Тўкилмангиз, тизгинимга тугун тизиб,  
Тиришасиз, тўфорлардек тўсиб-тўсиб,  
Термуласиз-тўзонларда тўзиб-тўзиб,  
Тундан тониб, тонгингизни тондингизми,  
Танлаб-танлаб тенгингизни тондингизми?*

(Аҳад Қаюм. Яна соғиндим, 53-б)

Т ундошининг 27 ўринда, з нинг 14 ўринда, и 13 марта такрорланиши аллитерацияни ҳосил қилиб шеърнинг оҳангдорлигини, талаффуз ритмикасини юзага келтирмоқда.

б) ассонанс (унли товушлар такрори):

*Ўзим-ўзимга дўстман,  
Ўзим-ўзимга душман,  
Ўзим-ўзимга уйқу,  
Ўзим-ўзимга тушман...*

(Аҳад Қаюм. Синишимни соғинди кимлар, 148-б.)

Ў товуши 9 ўринда, и 8 ўринда, а 7 ва у 4 ўринда қўлланилаётгани мусиқийликни юзага келтирмоқда.

Поэтик нутқда аллитерация худди қофия сингари муҳим бир композицион ритмик восита сифатида қўлланади. Аллитерация терминини

тадқиқотчилар турли мазмунда талқин этадилар. Жумладан, Д.Э. Розенталь, М.А. Теленковалар<sup>29</sup> аллитерацияни бир хил ундошлар ва товуш бирикмаларининг такрорланиши, услугбий восита сифатида баҳоласа, Т.Ковалский фақат сўз бошидаги товушлар оҳангдошлигини аллитерация деб изоҳлайди.<sup>30</sup>

Е.Д.Поливановнинг таҳлилига кўра, аллитерация қофия сингариидир: ҳар икки усул ҳам нутқнинг айнан бир хил товуш элементларидан шаклланади. Уларнинг фарқи шундаки, аллитерацияда сўз бошидаги товушлар уйғуналашади, қофияда мисра сўнггидаги товушлар оҳангдорлик касб этади.<sup>31</sup>

Бадий матнда эмоционал-экспрессивликни таъминлашда ономатопеялар катта аҳамиятга эга. Ономатопея – поэтик нутқда шеър ёки прозадаги товуш ҳодисаларига бадий тақлид қилиш усули.<sup>32</sup> Товушга тақлид сўзларни ўрганишга уринишлар қадимги Грек стоиклари мактабига оид бўлиб, улар товуш ва мазмун алоқадорлигини товушга тақлид (инсон фаолияти натижасида товушлар) асосида тушунтирадилар.

Куйидаги мисолда ҳам тақлидий сўзлар турли маъно нозикликлари билан ифодаланган бўлиб, тингловчига товушларнинг жаранги яққол эшитилаётгандай, тасвир гўё овоз билан чизилаётгандай англашилади. “Ёноқларнинг ловуллаши”, “шудрингнинг жаранглаши”, “соchlарнинг шовуллаши” айнан товушларнинг таъсир доирасини кўрсатади.

*Шунда  
ёноқларинг ловулладилар,  
Шудринг жаранглади гулбаргга томиб,  
Сочларинг елкангда шовулладилар,  
Кўзларингни юмиб... кўзларингни юмиб...*

(Иқбол Мирзо. Сизни куйлайман. 188-б)

Товушларга бирор маъно юклаш жиддий илмий асосга эга бўлмаса-да, бундай шартлилик замирида эмоционал-экспрессив функция туради.

**Анаграмма** – (юононча “anagrammatismos”), товушларнинг ўрнини алмаштириш орқали бошқа сўз ҳосил қилиш. Бирор матндаги маълум сўзлар таркибида иштирок этган айнан бир хил товушлар ўрин алмаштириб бошқа маънони ифодаловчи сўзни юзага келтириш.<sup>33</sup>

Товуш ва мазмун алоқадорлиги товушлар ассоциацияси асосида юзага чиқади. Аллитерацияга асосланган товушлар аввал зикр этилган ёки қайд этилмаган муайян калит сўзларга ишора қиласи. Ф.де Соссюр томонидан анаграмманинг бу тури ишлаб чиқилган.

*Фаргона томонлар туманли, лойли,*

<sup>29</sup> Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – Москва: Просвещение, 1976. – С 19.

<sup>30</sup> Щербак А.М. Соотношение аллитерации рифмы в тюрском стихосложении. // Народы Азии и Африки, – Москва: 1962. №2. – С. 142-153.

<sup>31</sup> Поливанов Е.Д. О приёме аллитерации в киргизской поэзии в связи с поэтической техникой и языковыми фактами других “алтайских” народностей // Проблемы Восточного стихосложения. – Москва, 1973. – С. 104.

<sup>32</sup> Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.215.

<sup>33</sup> Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. – С.22.

*Тумани чиройли, лойи чиройли,  
Во ажаб, бугун ҳам Кумуш ва Лайли  
Сочлари белида дор бўлиб ўтар.*

(Иқбол Мирзо. Сизни қуйлайман. 184-б.)

Анаграммалар бадиий нутқода фаол фонопоэтик восита бўлиб, сўз ёки сўз бирикмаларининг товушлар алмашинуви билан боғлиқдир. Юқоридаги мисолда *войли, чиройли / лойи, чиройли* каби сўзларнинг таркибидаги товушлардан фойдаланиб, иккинчи оҳангдош сўзни яратиш мумкин.

Иккинчи бобимиз “Фонетик воситаларнинг аруздаги поэтик имкониятлари” деб номланиб, биринчи фаслда “Аruz фонопоэтик объект сифатида” масаласи ёритилади.

Aruz – арабларнинг чодир уйини ушлаб турувчи устуннинг номи, арузийлар ҳар қайси байтнинг биринчи мисраси охиридаги руқни ҳам “аруз” деб атайдилар, мисранинг мана шу охирги бўлаги айтилганида, шеърнинг қандай вазнда ёзилганлиги маълум бўлади.<sup>34</sup>

Алишер Навоий эса “аруз фаниким, назм авзонининг мезонидур, шариф фандур. Невчунким, назм илмининг рутбаси бафоят бийик рутбадур. Андоқки, Ҳаққ субҳаноҳу ва таолонинг қаломи мажидида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аruz қавоиди била ростдур. Ул жумладин бири бу оятдурким: *Лан та-но-лу / бир-ра ҳат-то / тун фи-қу* (“Оли Имрон” сураси, 92-оят) рамали мусаддаси маҳзуф (*фоъилотун, фоъилотун, фоъилун*) воқеъ бўлубтур”,<sup>35</sup> – дейди. Албатта, аruz тизими Қуръони карим тили орқали кириб келган ва мусиқийлик жиҳатидан бошқа шеър шаклларидан юқори даражада туриши унинг улуғланишига сабаб бўлади.

Хижо ва руқнларнинг мослиги эса бир маромдаги ритмик ҳолатни юзага келтиради. Шу ритмик, интонацион даврлар мисраларни ташкил қиласи. Ва бу оҳанг ҳамда тўхтамнинг мусиқийлик ҳосил қилишдаги ролини кучайтиради.

Ю	par	ман	кўз	ту	тиб	до	им	са	нинг	ии	қинг	би	лан	ҳай	рон
A	мон	бўл	сам	кў	rap	ма	мун	ча	сар	со	ай	ла	сан	май	лин
V	–	–	–	V	–	–	–	V	–	–	–	V	–	–	–
Ма фо ий лун				ма фо ий лун				ма фо ий лун				ма фо ий лун			

(Завқий. Ажаб замона. 34-б.)

Ушбу байтнинг биринчи мисраси 41 та, иккинчи мисраси ҳам 41 та товушдан иборат бўлиб, булардан 32 та унли ва шунча хижо мавжуд. Хижоларнинг муайян тартибдаги такори эса ритмик оҳангни юзага келтирган. Мисолдан қўриниб турибдики, и, э, а, ў ва у унли товушлари билан тугаган хижолар қисқа, о унлиси билан ва ундош товушлар билан

<sup>34</sup> Воҳид Табризий. Жамиъ ул-мухтасар. ИВЛ. – Москва, 1959. – Б.26.

<sup>35</sup> Алишер Навоий. Меъzon ул-авзон, 14 том, – Тошкент: Фан, 1967. – Б.137.

тугаган ҳижолар чўзиқ талаффуз этилган. Шу сабабли, очик ва ёпиқ бўғинлар (*my “V” -тиб “—”*), қисқа ва чўзиқ унлилар (*до “—” -им “—”; би “V” -лан “—”*) аруз вазнида муҳим саналади. Оҳангдорлик, мусиқийлик, гармония ва ритмик изчиллик ҳам товушларнинг уйғунлашуви ҳамда мослашуви орқали юзага чиқади. Ҳазаж баҳридаги мазкур шеърнинг маълум ритмик-интоацион шаклланиши ўзига хос оҳангдорлиги, мазмун мукаммаллиги билан ажралиб туради ва ҳижо, руқн бунда муҳим фонопоэтик бирликлардир.

Иккинчи фаслда **“Фонетик чўзиқлик ва унинг аруз тизимидағи аҳамияти”** ёритилади. Ҳижони ҳам адабиётшуносликнинг, ҳам тилшуносликнинг обьекти сифатида асослаймиз, чунки у фонетик сатҳнинг мундарижасига киради. Ҳижо – туркий (ўзбек) арузда энг кичик ритмик бирлик, бир ҳаво зарби билан айтиладиган товушлар гурухи.<sup>36</sup> Масалан,

Ўз	<i>ву</i>	жу	динг	ни	<i>та</i>	фак	<i>Кур</i>	ай	ла	гил
<i>Хар</i>	<i>не</i>	<i>ис</i>	<i>тар</i>	<i>се</i>	<b>н ў</b>	зинг	<i>Дин</i>	<i>ис</i>	<i>та</i>	<i>гил</i>
–	V	–	–	V	V	–	–	–	V	–
Фо	и	ло	тун	фа	И	ло	тун	фо	и	лун

рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф

(Алишер Навоий. [www.mana.uz](http://www.mana.uz))

Мазкур мисол мисралари 11 ҳижоли бўлиб, 4 та қисқа, 7 та чўзиқ ҳижолидир. Ҳижоларга ажратишда чегара сўз ўртасига ҳам тушган. Бунда ў, у, и, а товушларининг уйғунлиги мусиқий оҳангни юзага келтирган.

Тилшуносликнинг ривожланиш жараёни шуни кўрсатадики, ҳар қандай тилнинг фонетик тузилишида давр ва вақт билан боғлиқ ўзгаришлар учраб туради. Бу эса ўша тилнинг, асосан, фонетик ва лексик сатҳига, грамматик жиҳатига таъсир этмай қолмайди, ҳатто поэтик сўз вариантлари юзага келади.

Учинчи фаслда **“Ритмнинг поэтик хусусияти”** таҳлил этилади. Ритм поэтик нутқнинг мусиқийлигини, таъсирчанлигини оширувчи воситасидир. Ритм шеърий мисраларда мусиқий оҳанг, унли ва ундош товушларнинг муайян тартибдаги такоридан ҳосил бўлади. Поэтик нутқдаги муайян бўлакларнинг бирор тенг вақт ичидан изчил ва бир ўлчовли такрорланишига ритм дейилади. Масалан, аруз тизимида чўзиқ (–) ва қисқа (V) ҳижоларнинг маълум тартибда бутун шеър ёки шеърий парча давомида такрорланиб келиши натижасида ўзига хос руқнлар, руқнлар йиғилиб каттароқ ритмик бирликлар ҳосил бўлади ва шу йўл билан шеърий вазн вужудга келади.<sup>37</sup>

Ритм – шеър мусиқийлигини ва умуман, бадиийлигини таъминловчи асосий воситалардан бири. Шу сабабли ритмсиз шеърни сира тасаввур қилиб бўлмайди. Аруз ва бармоқда шеър ритмини бадиий зарб ва бир меъёрдаги

<sup>36</sup> Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.35.

<sup>37</sup> Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.198.

ҳаракат – маром вужудга келтирса, эркин шеърда, хусусан, сарбаст шеърда ритм нутқ бўлакларининг нотекис ҳаракати ва бадий зарбдан пайдо бўлади.

Ритм – фонопоэтиканинг муҳим унсуридир, чунки фонопоэтик воситалар ҳисобланган товушлар оҳангдорлиги, мусиқийлик, урғу ва тўхтамнинг эвфоник хусусияти, интонацион таъсирчанлик, ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалиги, рукннинг меъёрий тартиби, бўғиннинг микдорий тенгсизлиги, туроқланиш тартиби ва бошқа поэтик хусусиятларнинг лингвистик аҳамияти ритм билан, унинг меъёрий оҳанг яратиши билан боғлиқдир. Ритм, биринчидан – муайян бўлакларга; иккинчидан – бу бўлакларнинг бир меъёрда бўлишига; учинчидан – бу меъёрнинг такрорланишига; тўртинчидан – такрорланишининг тартибли ва қонуниятли бўлишига; бешинчидан – бу тартибли ва қонуниятли такрорланишининг инсон томонидан сезилишига асосланади.<sup>38</sup>

Тўртинчи фасл “**Товушларнинг қофиядаги поэтик хусусиятлари**” масаласига бағищланади. Қофияга бағищланган йирик асарлар жуда кўп Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур каби мумтоз адабиёт намояндаларининг илмий қарашларида ҳам, Европа ва Шарқ адабиётшунослигига ҳам жиддий ўрганилган. Жумладан, В.М.Жирмунский<sup>39</sup> рус поэзияси мисолида қофиянинг пайдо бўлиши, тарихи ва ривожланиш, эвфоник, метрик, хусусиятларни очиб берган бўлса, уйғур адабиётшуноси М.Ҳамраев<sup>40</sup> туркий халқлар шеъриятидаги қофия табиатини қиёслаб ўрганади, улардаги умумий ва фарқли хусусиятларни аниқлайди. У қофиянинг маънени таъкидлаш вазифасига кенг тўхталади. Л.Н.Тимофеев,<sup>41</sup> Б.Гончаров,<sup>42</sup> В.Огневларнинг<sup>43</sup> асарларида ҳам қофия хусусида фикрлар билдирилади. Ўзбек адабиётшунослигига Абдурауф Фитрат,<sup>44</sup> А.Хожиахмедов,<sup>45</sup> И.Султонов,<sup>46</sup> У.Туйчиев,<sup>47</sup> А.Рустамов,<sup>48</sup> С.Каримов,<sup>49</sup> Х.Мирҳайдаров,<sup>50</sup> Х.Шарафиддинов,<sup>51</sup> И. Мирзаев,<sup>52</sup> Ф.Ҳайитметов<sup>53</sup> каби олимлар қофия ҳақида жиддий илмий изланишлар олиб борганлар. Қофия қадимдан ўрганилган масала, бироқ шеърий нутқнинг муҳим элементи

<sup>38</sup> Литературная энциклопедия. – Москва: Советская энциклопедия, 1935. – С. 700.

<sup>39</sup> Жирмунский В.М. Рифма, ее история и теория // Теория стиха. – Ленинград: Наука, 1975. – С. 316.

<sup>40</sup> Ҳамраев М.К. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата: Изд-во АН Казахской ССР, 1963. – С. 214.

<sup>41</sup> Тимофеев Л.И. Слова в стихе. – Москва: Советский писатель, 1987. – С. 420.

<sup>42</sup> Гончаров Б., Звуковая организация стиха и проблемы рифмы. – Москва: Наука, 1973. – С. 275.

<sup>43</sup> Огнев В. Время и мы: из дневников разных лет. – Москва, Гелеос, 2005. – С.352 <https://books.google.co.uz>

<sup>44</sup> Фитрат А. Аруз ҳакида рисола. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 80.

<sup>45</sup> Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 239.

<sup>46</sup> Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 400.

<sup>47</sup> Туйчиев У. Арузшунослика доир. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 43.

<sup>48</sup> Рустамов А. Аруз ҳакида сұхбатлар. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 56.

<sup>49</sup> Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 1993. – Б. 293.

<sup>50</sup> Мирҳайдаров Х. Ўзбек поэзиясида қофия ва индивидуал услуг масаласи: Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 1972. – Б. 198.

<sup>51</sup> Шарафиддинов Х. Ўзбек халқ маколларида қофиянинг вазифалари ва услубий асослари. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 1985. – Б. 157.

<sup>52</sup> Мирзаев И.К. Лексические и морфологические-средства формирования семантики рифмы. – Тошкент: Фан, 1990. – С. 132.

<sup>53</sup> Ҳайитметов Ф.А. Алишер Навоий ғазаллари қофиясида мантиқ ургусининг берилиши. Филол. фанлари номз... дисс. автореферати. – Тошкент, 1998. – Б. 24.

сифатида, адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашилган. Хусусан, Шайх Аҳмад ибн Худойдод ўзининг “Фунун ул-балоға” асарида шундай деган: “...билгилким, мажмуи уламо ва фузало мазҳабинда аҳли табъга қофия илмин билмак муҳимдир. Зероки, табънинг натижаси шеърдур ва шеърнинг асли қофия ва қофиясиз шеър мумкин эрмас. Магар бир тариқа шеър бўлурким, они харора дерлар, анда қофия бўлмас”.<sup>54</sup>

Қофия ҳақида И.Сельвинскийнинг фикри ҳам ўзига хос ташбех билан айтилган: “шеърият мамлакатида шундай вилоят борки, унинг номи қофиядир (в царстве поэзии есть провинция, которая называется рифмой)”.<sup>55</sup> Албатта, “тизма нутқни сочма нутқдан ажратувчи нарса вазн ва қофиясидир”.<sup>56</sup>

Шеърий нутқнинг асосий ритмик интонацион жиҳати қофия асосида юзага чиқади, чунки қофия, энг аввало, оҳангдошлиқ яратувчи унсурдир. Товушлар мослиги, оҳангдошлиги қофияни юзага келтиради, дейиш, умумий қараганда тўғри, бироқ оҳангдошлиқ, мослик қилаётган ҳар қандай товуш ҳам қофия бўлолмайди.

Қофия функциялари ҳақида бир нечта илмий манбалардан маълумот олиш мумкин. Уларда қофиянинг композицион, ритмни таъкидлаш, лексик, синтактик-семантиқ, оҳангдорлик, таъсирли қилиш, ритмик пауза ажратиш, эсда сақлаб қолишини осонлаштириш, бадиий-семантиқ, эстетик, тасвир воситаси бўлиш, мусиқийлик, ифодалилик, жарангдорлик, фонетик, метрик, ғоявий юқ олиш, маъно ташувчанлик, эвфониқ, интонацион, гармония вужудга келтириш, шеър кўтаринклигини яратиш ҳамда ташкил этувчилик<sup>57</sup> каби вазифалари саналади. Бу вазифаларнинг ҳар бири фонетик қонуниятлар асосига қурилувчи ҳодисалардир. Масалан, ритмик таъкидлаш – товушлар ва бўғинларнинг (бармоқда) ёки ҳижоларнинг (арузда) бир хил талаффузда ва оҳангда меъёрий такрорланишидир *Аё, эйроҳати жоним, санго қул бўлғоним бўлғон,*

*Аё, эйроҳати жоним, санго қул бўлғоним бўлғон,  
Кўнгул тахтига султоним, санго қул бўлғоним бўлғон.*

*Кўриб зебо жамолингни, талаб қилдим висолингни,  
Қилур кўнгул хаёлингни, санго қул бўлғоним бўлғон.*

(Завқий. Ажаб замона, 47-б.)

Мазкур ғазалнинг қофияланиш тартиби ўзига хос бўлиб, ҳар бир байт мустақил қофиядошлиқ ҳосил қилмоқда, яъни *жоним, султоним; жамолингни, хаёлингни; ёрим, зорим; мастона, афсона; жононим, қадрдоним; ханда, манда* каби **н**, **л**, **р**, **д** (бу ўринда **а** қисқа унлиси равий бўла олмайди) товушлари қофияларнинг равийлариdir.

<sup>54</sup> Шайх Аҳмад Ибн Худойдод. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти, – Тошкент, 2002. №3. – Б. 75.

<sup>55</sup> Илья Сельвинский. Я буду говорить о стихах. – Москва: Советский писатель, 1973. www.ozon.ru

<sup>56</sup> Рустамов А. Аруз ҳақида сухбатлар. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.5.

<sup>57</sup> Гончаров Б. Звуковая организация стиха и проблемы рифмы. – Москва: Наука, 1973. – С. 275; Жирмунский В.М. Рифма, ее история и теория // Теория стиха. – Ленинград: Наука, 1975. – С.316; Хотамов Н. Саримсақов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 262.

Хулоса қилганда, товушларнинг мослиги, ўхшали, баъзи хусусиятлари билан бирлашиши каби ҳодисалар қофиянинг асосий бирлиги саналади. Қофия фонетик фундамент асосига қурилганлиги учун фонопоэтиканинг элементи ҳисобланади.

Учинчи бобда **“Фонетик воситаларнинг бадиий матннадаги лингвопоэтик имкониятлари”** ёритилади. Биринчи **“Поэтик нутқнинг экспрессив вазифаси”** номли фаслда шеърий асарларда фонетик воситалар орқали юзага чиқадиган экспрессивлик таҳлил қилинади. Тил санъаткорга санъатнинг ҳақиқий ва универсал бирлиги сифатида эвокатив образ яратиш имконини бера олиши зарур. Поэтика ва адабиёт назарияси бўйича яратилган сўнгги тадқиқотларда бадиий асар негизида ўзаро ажралмас уч қисмни:

- а) тил бирликлари;
- б) образлар тизими;
- в) бадиий мазмун – асар ғоясини кўрсатади.

Бунда образлар системаси шакли сифатида – тил қатлами намоён бўлади. Образлар системаси эса ғоянинг шакли сифатида кўринади.

Сўз санъаткори поэтик матнни тилдаги муайян меъёр ва мезонлар асосида яратишга ҳаракат қиласи. Бироқ ижодкорнинг ҳиссий билиш жараёнида тилдаги чегаралар миқёси кенгайиб боради. Шу боис поэтик матнда сўз, товуш каби тил бирликларининг ички иерархияси ижодий тажриба самараси эмас, ҳиссий мушоҳада натижасидир.

*Осойиши ўтмади бирор бир куним,  
Талашиб-тортишиб толмадим.  
“Оғирроқ бўл иним, сипороқ бўл иним... ”  
Мен ўз билганимдан қолмадим.*

(Мухаммад Юсуф. Сайланма, 260-б.)

Бадиий нутқни юзага чиқаришда ҳатто бир товуш ҳам мақсадсиз қўлланмайди. Товушлар оҳангдорлиги сўзловчининг поэтик мақсадини тингловчига таъсирчан етиб боришини таъминлайди. Юқоридаги мисолда “о” кенг, “и” тор унлилари ва “т”, “ш”, “м” каби акустик-артикуляцион жиҳатдан турлича бўлган ундошларнинг талаффуздаги уйғунлиги тингловчида ачиниш ва мушоҳада қилиш туйғуларини уйғотади.

Иккинчи фасл **“Фонетик воситаларнинг бармоқ ва эркин вазни шеърлардаги поэтик хусусиятлари”** деб номланади.

Ҳар қандай поэтик нутқ фонетик элементлар ҳисобига юзага келади, яъни товушлар ёки товушлар бирикмаси сўзни, нутқни, шеърни шакллантиради, макон ва замон мұхитига мувофиқ тарзда мазмун-моҳиятини кенгайтиради. Нутқда кўшимча маъно оттенкасини юклаш учун оҳанг, ургу, тон, тембр, пауза каби устсегмент бирликлардан ҳамда товуш билан боғлиқ ҳодисалардан, сўз ўйинларидан фойдаланиш мумкин. Шунда, нутқ қандай услугуда бўлишидан қатъи назар, ифодалилик вазифаси, услугубий коннотатив қиммати ошади. Шунинг учун ҳам: “Адабиёт тилдан бошланади, рангиз тасвирий санъат, оҳангиз мусика бўлмаганидек, тилсиз адабиёт ҳам бўлмайди.... Ёзувчи ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини, ижтимоий-маънавий

муаммолар ҳақидаги ҳукм ва хуносаларини китобхонга тил орқали етказади”,<sup>58</sup> – деган эди О.Шарафиддинов.

Учинчи “Аруз ва бармоқ тизимидағи фонетик тафовутлар” номли фаслда иккала вазнданғи фарқлар ўрганилади.

1. Нутқнинг фонетик бўлиннишидаги кичик бирлик ҳисобланган бўғинлар ҳар бир сўзни алоҳида-алоҳида бўлакларга ажратади:

*Чўқ-қи-дан бир том-чи тош ю-ма-ла-са,  
Тоғ-ни қу-лат-гу-дек су-рон қи-ла-ди.  
Кў-зинг-дан бир том-чи ёш ю-ма-ла-са  
Тоғ-дай ю-ра-гим-ни вай-рон қи-ла-ди.*

(Эркин Воҳидов. Куй авжида узилмасин тор, 34-б.)

Хижоларга ажратганда эса биринчи қўлланаётган сўзнинг охирги товуши (аксарият, ундоши), агар вазн талаб қиласа, кейинги сўзнинг бош товушига (асосан, унлисига) ёки ҳижосига қўшилиб, сингиб талаффуз қилинади; (ҳажр / ила) *Ҳажр ри-ла бемор ў-лан-дан сўр*. (Фузулий)

2. Бармоқда бўғинлар микдори муҳим саналади, микдорий ўлчам бирламчи ва интонацион ҳолатига кўра туроқларга бўлинади.

Арузда ҳижоларнинг сифат жиҳати, чўзиқ-қисқалик белгисининг аҳамияти муҳим бўлиб, вазн талабига мувофиқ тарзда шаклланади. Шаклий оҳангдошлиқ мазмуний етуклиқ билан ҳамоҳанг бўлганда, у санъат даражасига кўтарилади.<sup>59</sup>

3. Бармоқда туроқлар – маълум интонацион бўлаклар, яъни такт (сегментация асосида юзага келган бирлик)лар мавжуд ва улар меъёрий ритмик оҳанг асосида (асосан) бир хил шаклланади. Кўриниб турганидек, аруз ва бармоқ вазнларининг фонетик тузилишида яққол қўзга ташланадиган фарқлар анчагина ва буларнинг барчаси ўзига хос хусусиятларга эга.

Хулоса қилганда, аруз тизими ҳам, бармоқ тизими ҳам фонетик жиҳатдан мукаммал шаклланган бўлиши тақозо этилади: аруз тизимида ҳам, бармоқда ҳам мазмун мукаммаллиги билан бирга фонетик шаклланиш энг муҳим унсур саналади; сегментация ҳодисаси шеър тузилишидаги энг аҳамиятли хусусиятдир; товушларнинг чўзиқ-қисқа талаффузи, баъзан товуш орттирилиши, ундош кўчиши кузатилади; аруз вазнида тиниш белгиларга ва бошқа шаклларга эмас, қатъий руқн тартибиға асосланади; ундошни қаватлаш (геминация), чўзиш, очиқ бўғин, ёпиқ бўғин ва ундош кўчиши ҳижога таъсир этади.

Тўртинчи фасли “Фонетик воситаларнинг насрый матнлари поэтик хусусиятлари” деб номланади.

Лирик асарлардан фарқли равишда насрый асар марказида инсоннинг оний лаҳзалардаги ҳиссий кечинмаси эмас, воқеа, ривоя туради. Лирика ва наср бадиий нутқ тузилишининг асосий иккита тури ҳисобланади. Улар ташқи томондан ритмик тартибланишига кўра фарқланади. Насрий асар тилининг бадиияти ўзгача, унга шеърият мезонлари билан ёндашиб

<sup>58</sup> Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1986, 5 сентябрь.

<sup>59</sup> Аъзамов А. Аруз. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006, – Б. 49.

бўлмайди. Дейлик насрый асар тилидаги кўчимлар турли услубий фигуранлар ҳақида гапириш билан чеклансанак, у ҳолда деярли ҳеч нарса айтмаган бўлиб чиқамиз. Зеро, бадиий наср тилининг сехри жозибаси чуқурроқ қатламларда ботиндир. Таассуфки, насрый асар тилини бадииятга дохил этувчи нутқий омиллар ва нутқдан ташқари ҳодисалар бизда етарлича ўрганилгани йўқ.<sup>60</sup>

А.Қахҳорнинг «Даҳшат» ҳикоясида куз тасвири китобхонга қуйироқда қандайдир нохуш, фожиали ҳодиса рўй беришидан далолат беради.

*Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли яйдоқ дарахтлар шохида чийиллайди, гувиллайди; томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади.*

*Бундай кечаларда одамзод қўй мижоз, гуж бўлиб ва ниманидир кумтиб жсимгина ўтиришини хоҳлаб қолади.* (А.Қахҳор. Асарлар. Даҳшат. 41-б.)

Мазкур матндан иккита хатбошидан ўқувчига, муайян ассоциация уйғотадиган сўзлар мазмунидан ташқари товушларнинг ўзига хос табиати ҳам мавжуд эканлиги англашилади.

*Кузак, гувилламоқ, бош урмоқ, уф, гуж, кумтиб сўзларидағи у ёки шамол, шох, вишиллайди, эшик, бош (уриб) сўзларидағи Ш товушлари матнда эмоционаллик хусусиятини таъминлайди. Бу худди ўз ўлжаси сари келаётган илоннинг вишишилашига ўхшайди, китобхонда шундай тасаввур уйғотади.*

Насрий нутқда фикр ифодалаш нисбатан эркиндиндир, шунинг учун ҳам сўзловчи турли воситалардан фойдаланиб, эмоционаллик, экспрессивлик ошириши мумкин бўлади. Бу борада товушларнинг оҳанг, тўхтам ва айrim ҳолларда тиниш белгиларинининг аҳамиятига алоҳида тўхталиш лозим.

Насрий нутқнинг фонопоэтик таҳлили қўйидаги хулосаларга олиб келади:

-насрый нутқдаги образлар характеристининг очилишида товуш билан боғлиқ фонетик ҳодисалар муҳим роль ўйнайди;

-поэтик мақсад билан товуш тушиши, кўп ҳолларда бўғин тушиши ҳам сўзловчининг тингловчига қандайдир сабаб билан бераётган ургуси ҳисобланади, бунда тингловчи мушоҳадага тортилади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Фанларнинг ривожланишида интеграциялашувнинг аҳамияти муносиб тарзда намоён бўлиб бормоқда. Тилшуносликнинг ҳам бир неча соҳалар билан муносабатда ўрганилиши натижаси сифатида юзага келган социолингвистика, лингвокультурология, нейролингвистика, психолингвистика каби фанлар қатори умумфилологик йўналиш бўлган лингвопоэтика, хусусан, фонопоэтика чуқур тадқиқ этилди. Ушбу диссертацияда ҳам фонопоэтика ва фоностилистика чегаралари кўрсатилди, лингвопоэтиканинг кичик соҳаси, таркибий қисми сифатида фонопоэтика ўз обьекти асосида алоҳида таҳлил этиш филологиянинг муҳим вазифаси эканлиги мисоллар орқали асосланди.

<sup>60</sup> Куронов Д. Бадиий наср тили ҳақида мулоҳазалар. Quronov.narod.ru

2. Бадиий нутқнинг эмоционал-экспрессив функцияси кўпроқ фонетик воситалар, оҳанг ёрдамида ифодаланади. Фонетик воситалар бадиий дискурснинг асосий релевант (муҳим ўрин тутадиган, аҳамиятли) белгиси, нутқий гўзалликни яратувчи унсурларидан саналади. Шундай экан, муайян тилнинг эмоционал-эстетик вазифасини ўрганувчи лингвопоэтиканинг шу кунгача кўпроқ мутахассислар эътиборини тортган лексик поэтика қисмигина эмас, балки фонопоэтика, морфопоэтика ва синтактик поэтика қисмлари ҳам жиддий тадқиқотлар обьектига айланмоғи лозим.

3. Эмоционал-экспрессивликни таъминловчи маҳсус фонопоэтик воситалар таркибида эвфония, ургу, оҳанг, тўхтам каби воситалар тингловчидаги кучли руҳий таъсир кўрсатувчи хусусиятга эга.

4. Экспрессемалар қуидаги вазифаларни бажаради:

а) сўзловчининг эмоционал ҳолатлари (қувонч, қаҳр-ғазаб, дўқ-пўписа ва бошқалар)ни билдиради;

б) гапнинг ифода мақсадига кўра турини фарқлаш учун хизмат қилади (Келди. Ке:лди? Келди!);

в) нарса-ходиса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатларнинг мазманий градацияси (шакар-шаккар, узун-узу:н, кетди-ке:тди каби) ифодаланади;

г) бадиий-эстетик вазифа бажаради (ургу, қофия, ритм ва ҳоказо).

5. Фонопоэтик воситалар бошқа поэтик воситалар каби ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятини намоён қилувчи, нутқ жозибадорлигини таъминловчи муҳим унсурлардан саналади.

6. Поэтик нутқнинг тушунилиши ва талқини шарҳловчининг филологик тайёргарлиги билан белгиланади. Матнни ўрганишда герменевтика фонетик бирликларнинг функцияларини ёритиш учун ҳам хизмат қилади:

а) дистинктив (маъно фарқлаш) функциясини;

б) экспрессив (гўзалик ифодалаш ва яратиш) функциясини ифодалайди.

Бундай матннинг талқини, герменевтик назарияга асосланганлиги, герменевтиканинг тилшуносликдаги аҳамиятини кўрсатади. Бу орқали психология (яъни инсоннинг онгдаги билим захираси ва унинг ишлатилиши), фалсафа (фикрлаш орқали шарҳ ва таҳлил қилиш) ҳамда тилшуносликнинг бир-бирини тўлдирувчи, бойитувчи томонлари аниқланади.

7. Поэтик нутқ бошқа нутқ турларидан кучли экспрессивлик даражаси билан ажralиб туради. Лингвопоэтикани кенг планда сатҳларга ажратиб ўрганиш талаб этилади. Зеро, тилнинг барча сатҳлари ўзига хос бадиий ифода имкониятларига эга. Диссертацияда фонетик бирликларнинг поэтик хусусиятлари ва экспрессив вазифалари ёритилди:

а) товушлар экспрессивликнинг ошишида муҳим ўринга эга;

б) адресантнинг субъектив муносабати адресатга қай усулда етказиш, фонопоэтик бирликларга боғлиқ ҳамда шодлик, ачиниш, ғазаб ва бошқа муносабатлар тингловчига оҳанг орқали етказилади;

в) муносабатнинг аниқланишида тўхтам, ургу ва товушлар иккиланиши, алоҳида таъкидланиши қайтарилиши кучли ёки кучсиз позицияда ифодаланади;

г) товуш ҳам поэтик вазиятда, матн қуршовида ёки мулокот жараёнида сўзни, фикрни ва бутун бир ғояни тушунтира олади.

8. Аруз тизими тўла товушлар оҳангдошлиги, мослиги, бўғинларнинг очиқ-ёпиқлиги (унинг ҳижога таъсири) кабилар асосига қурилгани сабабли, фонопоэтиканинг энг ёрқин тадқиқ манбай саналади. Шу билан бирга бармоқ вазни ва насрда ҳам матн поэтиклигини таъминлашда фонетик бирликлар муҳим ўрин тутади.

9. Фонопоэтик бирликлар тадқиқи уларнинг нутқ таъсирчанлигини ва аниқ қабул бўлишини таъминлашда етакчи восита эканлигидан келиб чиқиб, замонавий тилшуносликнинг психолингвистика, суд лингвистикаси, тижорат лингвистикаси каби қатор ижтимоий-иқтисодий долзарб йўналишлари тараққиёти учун муҳимдир.